

# ИЧКИ ЙЎЛЛАРДА ЖОРИЙ ТАМИРЛАШ ИШЛАРИ ОЛИБ БОРИЛМОҚДА



Бугунги кунда юртимиздаги чекка-чекка қишлоқларда ҳам ижтимоий инфратузилмаларни ривожлантириш борасида кўплаб амалий ишлар амалга оширилмоқда.

Шулар қаторида Қумқўрғон тумани “Оқтом” маҳалласи ички йўлларининг 500 метр масофаси ва “Пахтаобод” маҳалласи ички йўлларининг 1000 метр масофасида тошлаш ишлари олиб борилди.

Ўз навбатида кўп йиллар яроқсиз бўлиб, аҳолининг ҳақли эътирозига сабаб бўлиб келаётган ушбу муаммолар бугунги кунда ўз ечимини топаётганидан аҳоли жуда ҳам мамнун бўлмоқда.